

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОТИРОВА САЙЁРА ЯКУБЖОНОВНА**

**ИЛМИЙ БИЛИШДА ФАҢЛАРАРО ЁНДАШУВЛАРНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ботирова Сайёра Якубжоновна**

Илмий билишда фанлараро ёндашувларнинг методологик  
муаммолари..... 3

**Ботирова Сайёра Якубжоновна**

Методологические проблемы междисциплинарных подходов в  
научном познании ..... 17

**Botirova Sayyora Yakubzhonovna**

Methodological problems of interdisciplinary approaches in scientific  
cognition ..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 37

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОТИРОВА САЙЁРА ЯКУБЖОНОВНА**

**ИЛМИЙ БИЛИШДА ФАҢЛАРАРО ЁНДАШУВЛАРНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal11 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Туленова Карима Жандаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Қодиров Анвар Қаҳҳарович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Н.Х. Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор;

**Н.Б. Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.;

**М.Т. Жакбаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда юзага келган мураккаб вазият глобал миқёсга эга воқеа-ҳодисаларни тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди. Бундай жараёнларни тўғри тушунтиришга, яшаш шароитларини кенгайтиришга, ривожланиш йўлларини башорат этишга имкон берадиган билимларни эгаллаш ҳозирги замон файласуфларининг тадқиқот объектига айланди. Ҳозирги кунда юқоридаги вазибалар асосида фанда янгича ёндашиш муаммолари юзага келмоқда. Аммо олиб борилган тадқиқотлар ушбу муаммо айрим фан доирасида хал бўлмаслигини кўрсатди. Шунинг учун илмий билишда фанлараро ёндашувга эҳтиёж сезилди. Бу эса табиат, жамият ва инсон масаласига янгича қарашни талаб қилиб, инсоният олдидаги қатор муаммоларнинг ечим топишига хизмат қила бошлади ҳамда илмий билишда фанлараро ёндашувни қўллашга имкон яратди.

Дунё ҳамжамиятининг мураккаб глобал муаммолари – экология, экстремизм, наркобизнес кабиларни тадқиқ ва таҳлил қилиш фанлараро тадқиқот орқали амалга оширилади. Бугунги фан натижалари файласуф олимлардан янада масъулиятли бўлишни талаб этмоқда. Муаммонинг долзарблиги шундаки, фан ривожини янги босқичга ўтаётган бир пайтда тадқиқот объектлари сифатида мураккаб тизимлар, воқеликларни ўзаро чамбарчас боғлиқликда тадқиқ этиш учун битта фаннинг имкониятлари етарли эмас. Шунинг учун фанлараро, тизимли ёндашувлар, синергетика принципларига асосланиб, турли фанларда умумий қонуниятларни англашга имкон беради. Тизимли таҳлил асосида шаклланган фанлараро ёндашув, турли соҳавий билимлар синтезини таъминлаб, объектнинг янги қирра ва хусусиятларини ўрганишга имкон беради. Бундай тадқиқот усули ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини ва инсонни тадқиқ этиш учун бир қанча фанларнинг синтезига асосланади.

Мамлакатимизда кенг қамровли модернизация, инновация жараёнлари фанлараро ёндашув асосида олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот институтлари фанлараро ёндашувга асосланган ҳолда амалиётда юқори натижаларга эришмоқда. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг 4-устувор йўналиши 4-бандида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш борасида «илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш»<sup>1</sup> вазибалари қўйилган. Замонавий фанда янги инновацион йўналишларнинг пайдо бўлиши, бизни қуршаб турган дунёни чуқур тадқиқ этиш фанлараро ёндашувларга асосланади. Ўзбекистон Республикасининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 26.

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунида «ёшларнинг таълим ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усуллари жорий этиш чора-тадбирларини»<sup>2</sup> амалга ошириш белгиланган. Шу боис фанлараро ёндашувларни фалсафий-назарий таҳлил этиш долзарб масаладир. Диссертацияда қўлланилган замонавий илмий ёндашувлар ва усуллар, тизимли, синергетик, фанлараро ёндашувнинг илм-фан ривожига таъсири, имкониятларининг методологик муаммоларини таҳлил қилиш ҳозирги кунда ушбу изланишларсиз илмий тадқиқот ўтказиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ПҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳисса қўшади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадний тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий адабиётларда «фанлараро ёндашув» тушунчасига турлича таърифлар берилган. Бу тушунча фан тараққиёти билан боғлиқ. Аммо фанлараро ёндашув узок ўтмишда шаклланган, деган фикр ҳам мавжуд. Буни Қадимги Юнон фалсафасида кўриш мумкин. Птоломей назарияси математика ва геометрия қонуниятлари асосида яратилган. Табиий-илмий билимларнинг ягоналиги, бир бутунлиги тўғрисидаги ғоялар (содда натурфалсафий тушунча ва тасаввурлар кўринишида) антик давр файласуфлари Демокрит, Платон, Пифагор, Аристотель ва ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва Ал-Хоразмий асарларида ўз аксини топган.

Фанлараро тадқиқотларни тизимли тарзда ўрганишга бағишланган дастлабки мақолалар ўтган асрнинг иккинчи яримига келиб пайдо бўлган бўлса-да, фанлараро ёндашув феномени бирмунча аввалроқ вужудга келган.

Ҳозирги давргача илмий билиш жараёнида фанлараро ёндашув борасида алоҳида тадқиқот усуллари шаклланган бўлиб, улар асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган бир қанча синтетик ва интегратив усулларда намоён бўлади. Мазкур методлар мажмуи турли фанларнинг илмий тадқиқот

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент: Адолат, 2016. – Б. 8–9.

дастурларини амалга оширишда кенг қўлланилади. Шу маънода, Т.Кун И.Лакатос, П.Фейерабанд, Дж.Коллингвуд, Ст.Тулмин, Дж.Холтон, А.Л.Никифоров, В.Н.Порус, А.И.Ракитин, В.С.Стёпин каби олимларнинг бу борадаги қарашлари ўзаро уйғунликка эга.

Фанлараро ёндашувнинг илмий-методологик хусусиятлари фан фалсафаси доирасида В.С.Мокий, Е.Г.Гребенщикова, Л.П.Киященко, И.Т.Касавин, О.Е.Баксанский, Е.Н.Кучер, В.П.Кохановский, С.Б.Куликов, А.И.Липкин, В.С.Стёпин сингари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Фанлараро тадқиқотларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш билан ўзбек олимларидан Н.Эшметов шуғулланганлигини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизнинг файласуф олимлари томонидан илмий билиш ва унда фанлараро ёндашув масаласининг умумназарий ва рационал хусусиятлари, илмий-ижодий ҳамда тизимли ва синергетик талқинлари О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Р.Имомалиева, И.Хошимова, Б.Каримов, Н.Шермухаммедова, Б.Тўраев, Э.Кадирова, З.Давронов, К.Туленова, Э.Иззетова, Р.Бурнашев, А.Азизкулов, Г.Ғаффарова, М.Ниязимбетов, Д.Бозоров<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг муайян тадқиқотлари доирасида қайд этилган. Мазкур олимларнинг тадқиқот ишларида илмий билишда фанлараро ёндашувларга оид айрим методологик муаммолар ўрганилган, аммо алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Бу вазифа ушбу диссертацияда бажарилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқдир.

**Тадқиқотнинг мақсади** илмий билишда фанлараро ёндашув ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг фалсафий-назарий жиҳатларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

илмий билиш ва фанлараро ёндашувларга оид фалсафий-концептуал қарашларни қиёсий таҳлил этиш;

илмий билишда тизимли ва фанлараро ёндашувнинг намоён бўлиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

фанлараро ёндашувнинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари қиёсий тадқиқ этиш;

фанлараро ёндашув тизимининг янгиланиб боришида ўзига хос жиҳатларни ёритиб бериш;

синергетика – фанлараро тадқиқот усули эканлигини асослаш;

фалсафани ўқитишда фанлараро ёндашувдан фойдаланишнинг аҳамияти юзасидан илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** илмий билишда фанлараро ёндашув тизими ҳисобланади.

---

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг илмий тадқиқотлари диссертациянинг «Фойдаланган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

**Тадқиқотнинг предмети** фанлараро ёндашувларнинг назарий муаммоларини фалсафий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фалсафанинг тизимлилик, аналогия, анализ ва синтез, умумлаштириш, дедукция ва индукция, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик методлари, диалектика ва синергетика каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фанлараро ёндашувнинг фалсафий-назарий асослари ва намоён бўлишининг тизимли кўринишлари очиб берилган;

фанлараро ёндашув асосида соҳавий фанлар учун умумий тушунчалар, методология, концепцияларни вужудга келиш жараёнида фаннинг тизим сифатида такомиллашиб боришини статик ва ўзгарувчан жиҳатлари очиб берилган;

синергетиканинг фанлараро тадқиқот усули сифатидаги эвристик ва ночизикли имкониятлари асосланган;

фалсафани ўқитишда фанлараро ёндашувнинг эпистемологик жиҳатларига асосланиб илмий тадқиқотларни чуқур ўрганиш, фалсафий таълимни диалог усулида олиб бориш такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илмий билишда фанлараро ёндашувларни ривожлантириш механизмлари, омил ва воситалари ишлаб чиқилган;

фанлараро ёндашувда илмий билишнинг интегратив, илмий башорат этиш ва натижаларни экстрополяция қилиш хусусиятлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган хулосалар илмий билишда фанлараро ёндашувнинг методологик аҳамиятини чуқурроқ англашга хизмат қилади. Унда ўрганилган масалаларнинг ечимларидан илмий билишда фанлараро ёндашувларнинг гносеологик, эпистемологик, методологик, антропологик жиҳатларини тадқиқ этишда ижодий фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мазкур диссертациядаги фикр-мулоҳазалар, хулоса ва тавсиялар илмий билишда фанлараро ёндашувларнинг фалсафий-методологик масалаларини ўрганишга доир тадқиқотларда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларининг олий ўқув юртларида «Фалсафа», «Ижтимоий фалсафа», «Илмий тадқиқот методологияси», каби фанларни ўқитишда, таълим тизимининг янги илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишда ҳамда турли фан соҳаларига оид илмий тадқиқотлар интеграциясини ривожлантиришда кенг қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Илмий билишда фанлараро ёндашувларнинг методологик муаммолари бўйича ишлаб чиқилган фалсафий-методологик таклиф ва тавсиялар асосида:

фанлараро ёндашувнинг фалсафий-назарий асослари, намоён бўлишининг тизимли кўринишлари ва эпистемологик жihatлари «Эпистемологиянинг замонавий муаммолари» номли олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган ўқув қўлланма II китобининг IV бобида батафсил изоҳлаб берилган (I-II китоблардан иборат, Тошкент, 2012). Ўқув қўлланма мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилган;

фанлараро ёндашув асосида соҳавий фанлар учун умумий тушунчалар, методология ва концепцияларни вужудга келиш жараёнида фаннинг мураккаб тизим сифатида такомиллашуви методологияси таҳлилидан Наманган давлат университетида Давлат илмий-техникавий дастурлар доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-7-19 – «Маҳаллий хом ашё манбаларидаги полисахаридлар поликомплексларининг молекуляр массивий ва конформацион тавсифлари ҳамда уларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларига таъсири» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида қўлланилди. (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 12 октябрдаги ФТА-02-11/855-сон маълумотномаси). Ушбу фундаментал лойиҳани амалга оширишдаги биология, кимё ва физика фанларининг ўзаро уйғунлиги фанлараро ёндашувларни акс эттирган ва иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган;

мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш, Ватанга садоқат, миллий ўзликни англаш, мустақкам эътиқод ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга оид тарбиявий ишларда синергетиканинг фанлараро тадқиқот усули сифатидаги эвристик ва ночизиқли имкониятлари, фалсафий таълимни диалог усулида олиб боришга оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази 2017 йилги иш режасининг «Маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш» деб номланган 2-йўналиши 5-бандидаги «Мафкуравий имунитет» мавзуида ташкил этилган ўқув семинар-тренингларда фойдаланилди (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017 йил 25 октябрдаги 02/03-072-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ёшларда маънавий баркамоллик салоҳияти, миллий тафаккури юксалишига хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 15 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Жумладан 1та ўқув қўлланма (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Илмий билиш ва фанлараро ёндашувлар**» деб номланади. Унда илмий билишнинг концептуал мазмуни ҳамда унинг тарихий ўзгарувчан характери билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Илмий билишда фанлараро ёндашув асосан фан соҳалари туташган жойда амал қиладиган методологиянинг турли асослари ва даражаларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам фанлараро ёндашув фан методологиясининг бир қанча синтетик ва интегратив усуллар мажмуи сифатида намоён бўлади. Мазкур ёндашув комплекс илмий дастурларни амалга оширишда кенг қўлланилади.

Фанлараро ёндашув илмий билишда оламнинг бир бутун манзарасини, барча фанлар шаклланишининг умумий қонунларини аниқлаш янги парадигма пайдо бўлганлигини асослаган бўлиб, фан тараққиётида методологик аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам диссертацияда фанлараро ёндашув асосида эришилган илмий ютуқлар, билимларнинг бир-бири билан боғлиқлигини муайян амалиётга татбиқ этиш, назорат қилиш кабилар билан белгиланиши асосланган. Бу жараён илмий билишнинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Айни шу маънода, фанлараро ёндашувнинг илмий апаратини ўзлаштириш учун илмий билиш ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш зарур.

Илмий билиш ўзининг шакллари билан ҳам ноилмий билишдан алоҳида ажралиб туради. Булар жумласига илмий далил, ғоя, муаммо, гипотеза, назария ва бошқаларни киритиш мумкин. Илмий билишнинг вазифаси илмий далилнинг юзага келиш сабаби, муҳим хоссалари ва далиллар ўртасидаги қонуний боғланишни аниқлашдан иборат. Чунки янги далилларнинг аниқланиши илмий билиш тараққиёти учун жуда муҳим. Фанлараро тадқиқот соҳасида илмий далиллар назарияга нисбатан ҳам икки хил вазифани бажаради, яъни мавжуд назарияга нисбатан илмий далил ё уни мустаҳкамлайди, ё у билан тўқнашиб, унинг асоссизлигини кўрсатади. Бирок, бошқа томондан қараганда, назария эмпирик тадқиқот жараёнида олинган илмий далилларни шунчаки умумлаштиришдан иборат эмас, унинг ўзи янги илмий далиллар олиш манбаига айланади. Фанлараро тадқиқот жараёнида эмпирик билимлар даражаси янги имкониятларни ҳосил қилишда муҳим

методологик манба сифатида намоён бўлади.

Ғоялар инсон тафаккурининг маҳсулидир. Мазмуни ва ифодаланиш шаклларига кўра ғоялар илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий, умуминсоний ва бошқа кўринишларда бўлади. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсини қамраб олиб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий, ақлий кучдир. Тафаккур маҳсули бўлмиш ғоя теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади.

Ҳар қандай илмий билиш муаммодан бошланади. Муаммони тўғри қўйиш уни самарали ечишнинг муҳим шартидир. Назарий жиҳатдан асосланмаган ёки сохта муаммо ҳақиқий муаммоларни ечишдан чалғитади. Муаммони қўйиш – илмий билиш жараёнининг дастлабки босқичидир. Муаммони қўйишда, аввало, айрим ҳолатни масала сифатида англаб етиш, қолаверса, муаммонинг мазмунини аниқ тушуниш, маълум ва номаълум нарсаларни ажратган ҳолда тавсифлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Муаммодаги янги илмий далилларнинг моҳиятини тушунтирувчи гипотеза назарий асосланган бўлади. Гипотеза олимлар томонидан илмий муаммонинг асосланишига сабаб бўлган илмий далилларни тахминий тушунтириш мақсадида илгари сурилади. Гипотеза эҳтимолий билим бўлса-да, аниқ билимга, назария даражасига кўтарилиши, тажрибада тасдиғини топиши, мантиқан асосланиши ва башорат этиш қобилиятига эга. Назария ва гипотеза орасида гносеологик фарқ шундаки, гипотеза – тахминий, эҳтимолий билимни, назария эса муайян чегарада амалиётда тасдиқланган ҳақиқий билимни ифодалайди.

Назария илмий билимларнинг муайян тизимидир. У тадқиқ қилинаётган объект тўғрисидаги яхлит, тизимли билимни ўзида акс эттиради. Назария таркибига принциплар, қонунлар, тушунчалар, хулосалар, формулалар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ёндашув деганда объектни ўрганиш муайян (айрим) усул ва услубларининг уйғунлиги тушунилади. Бу ҳолда объектнинг ташқи олам билан боғланиши, унинг функционал ўзига хослиги, хусусиятлари ҳам умумий жараёнга кириб кетади. Янги ёндашувлар асосан тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқади.

Фанлараро ёндашув синергетик жараён сифатида намоён бўлади ва илмий билимни интегратив ривожлантиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Фаннинг ривожланишида фанлараро ёндашув ўзига хос методологик асосга эга. Классик даврдаги тадқиқотлар детерминистик методологияга асосланган. Ноклассик даврда статистик эҳтимоллик концепцияларидан фойдаланилган. Замонавий фанда нозизиқли методология фанлараро ёндашувнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли фанлараро даражада қўлланилувчи усуллар ўзгаради, анъанавий методлар қаторида янгилари шаклланади. Мазкур янги методлар анъанавий усуллардан жиддий фарқ қилади. Фанлараро тадқиқот усулларидан фойдаланишга ташқи чеклашлар жиддий таъсир кўрсатмайди. Фанлараро ёндашув моделлари умумлаштирилган бўлиб, илмий ҳамжамиятнинг маънавий-руҳий ҳолати билан ҳам узвийдир.

Умуман олганда, файласуф олим ҳеч қачон битта таълимотга таяниб қолмаслиги, ўз тафаккур методларини биргина ёндашув билан чеклаб қўймаслиги керак.

Фанлараро ёндашув эса илмий билишнинг интегратив томонлари ривожланишига асос яратиши мумкинлиги билан ҳам алоҳида бошқа ёндашувлардан ажралиб туради.

Диссертацияда тизимли ёндашув мазмунан фан тараққиёти компонентларининг ўзаро таъсири муаммоларига кўпроқ эътибор қаратишни талаб қилиши ёритилди. Тизимли ёндашув фан муаммоларининг хилма-хиллигини кўрсатади. Биринчи навбатда, бу мазмун ва шакл жиҳатдан юқори даражадаги фанлараро алоқаларни ривожлантириш масалаларига тааллуқлидир. Масалан, постноклассик фанда тизимли ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у «таркиб» ва «функция» тушунчалари билан иш кўради. «Таркиб» тизимнинг бир бутунлигини таъминлайдиган тузилиш, жойлашув, тартиб, жами барқарор алоқаларни билдиради. Шунингдек «tizimli ёндашув асосида олиб борилган тадқиқотлар мураккаб жараёни яхлитликда, бутунликда кўриш имкониятини беради»<sup>4</sup>.

Диссертацияда тизимли ёндашувнинг онтологик томонлари ҳам ёритилган. Илмий билишда ва умуман инсон тафаккурида фанлараро ёндашувнинг ўрнига алоҳида урғу берилган.

Синергетик фанлараро ёндашув ҳам тизимли ёндашувга асосланган. Синергетиканинг асосчиси Г.Хакеннинг фикрига кўра, мураккаб тизимларнинг ўзаро таъсири натижасида янги хусусиятлар пайдо бўлади. Ҳозирги даврда синергетик ёндашув деярли барча фанларда қўлланилади. Фанлараро ёндашувнинг моҳияти – янгиликнинг пайдо бўлишини тадқиқ этиш, бу жараён эса турли фанлар томонидан ўрганилади, яъни синергетик фанлараро ёндашув турли фанларнинг ички хусусиятларига асосланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Фанлараро ёндашувнинг илмий билиш ривожига таъсири**» деб номланган. Унда илмий билиш ривожининг мураккаб характери ҳамда фанлараро ёндашув билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилган. Фанлараро ривожланувчи тизим тадқиқот объектларнинг ўзгариши, мураккаблашиши орқали янги даражаларни шакллантиради, бунда ҳар бир янги даражанинг юзага келиши аввал шаклланган даражаларга таъсир кўрсатиб, улар элементларининг композицияси ва алоқаларини ўзгартиради.

Фанлараро ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, у тадқиқот услубини бир фандан иккинчи фанга ўтказиш имконига эга. Тадқиқот услубларини ўтказилишига эса айрим фанларнинг илмий тадқиқот соҳаларидаги жараёнларни ўхшашлиги сабаб бўлади.

«Фанлараро ёндашув» тушунчасига бир қанча таърифларни келтириб ўтиш мумкин. Фанлараро ёндашув - объектни ҳар томонлама, кенг қамровли турли фан, йўналиш ва соҳалар нуктаи назаридан тадқиқ этишдир.

---

<sup>4</sup> М.Н. Абдуллаева., Г.Ғ. Фаффарова. Мураккаб тизимларга оид замонавий илмий ғоялар // Ривожланишнинг «ўзбек модели» тизимида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг имконият ва истикболлари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. –Б.138.

Шунингдек, у илмий билиш жараёнида янги ёндашувлар пайдо бўлиши билан ҳам белгиланади. Бунинг натижасида фанлараро ёндашувларни табиий-илмий (биохимия, биофизика, биогеокимё, космокимё, астрофизика), ижтимоий (психоллингвистика, социоллингвистика) ва табиий-ижтимоий (биоэтика, социобиология) гуруҳларга бўлинади.

Фанлараро ёндашувларни шакллантириш ва ўзгартириш тадқиқотчининг нафақат фалсафий, балки илмий эрудициясини ҳам талаб қилади.

Фанлараро ёндашувларда илмий билимларни умумлаштириш, танлаш, тизимлаштириш ва улардан келгусида фойдаланиш ҳақида чуқур тасаввурлар ҳосил бўлади. Биринчи вазиятда интегратив билим жамиятнинг моддий ва амалий ҳаётида ёки унинг маънавий бойишида, иккинчисида эса янги илмий тадқиқотларни, янги тадқиқот дастурлар комплексини яратишда фойдаланилади.

Фанлараро ёндашув бир вақтнинг ўзида ҳам реалистик, ҳам рационалистик тилни талаб қилади. Шунингдек фанлараро ёндашув мақсадли боғланган мажмуаки, унинг мақсад ва вазифалари фаннинг турли соҳаларида ишлаётган кишиларнинг бир бутун билиш фаолияти билан узвийлигида намоён бўлади.

Фанлараро ёндашув фан тараққиёти давомида ҳосил қилинган муайян интегратив стандартларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам фан стандартлари даражасида бажарилмаган тадқиқотлар илмий муҳокамага қўйилмайди. Бу эса фан стандартларини қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий тадқиқот жараёнининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Албатта, фанлараро ёндашувларнинг шаклланиши фан тараққиётида азалдан мавжуд бўлган стандартлар, илмий билишнинг идеали ва меъёрларини ўзгартириб юборади. Шу билан бирга, турли фанларга тааллуқли атамаларни баён қилиш концепцияси кумулятив омилдан келиб чиқади. Илмий билимлар тараққиётидаги кумулятив жараёнларнинг моҳияти шундаки, фандаги идеаллар, нормалар ва қадриятлар «умумий фан»ни ташкил қилади ва фан билимлар тизими сифатида тушунилади.

Фанлараро ёндашув илмий муаммоларни ечишга доир илмий жамоа томонидан тан олинган, аниқланган қонуниятларни англаб олишга ва ушбу фан соҳасининг янада тараққий қилишини илмий башорат қилишга ёрдам берадиган идеаллар, «намуналар»ни бирлаштиришда ҳам муҳим методологик аҳамият касб этади. Фанлараро ёндашувнинг тизимлилиги, бир бутунлиги қандайдир «ҳимоя механизми» бўлиб хизмат қилади. Буни, хусусан, фан методологиясида маълум бўлган «мувофиқлик тамойили»ни қўллашда яққол кўриш мумкин. Бу тамойилнинг маъноси турли фан соҳаларига оид янги назарий тушунча, ёндашувларнинг мавжуд илмий билимлар тизимига мувофиқлигини ифодалашдан иборат.

Фанлараро ёндашувнинг методологик асосини бошқарувчи фанлар имкониятларининг муайян мақсадидан келиб чиққан ҳолда ривожланишнинг вектори шаклланади. Фанлараро ёндашув оламдаги барча нарсаларнинг қонуниятларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Фанлараро ёндашувнинг методологик муаммолари: усули, ўрни ва аҳамияти**» деб номланган. Унда фанлараро ёндашувнинг ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишдаги ўрни билан боғлиқ методологик масалалар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Фалсафа ва фан методологиясида синергетиканинг бирлаштириш жиҳати нафақат ўрганилаётган объектларга балки фанлараро тадқиқот услубларида ҳукм суриб келаётган тафовутларга ҳам барҳам беради. Дарҳақиқат, фанлараро усулларини тадқиқ этишда билимнинг барча соҳаларида ҳосил бўлган назарий ва эмпирик тажрибаларнинг умумлашуви, билиш методларининг такомиллашуви кузатилади. Натижада ташқи ва ички, субъектив ва объектив дуалликлар, шунингдек, тирик ва нотирик табиат, барқарорлик ва беқарорлик, тасодиф ва зарурият ҳамда бошқа шу каби жараёнлар орасидаги ажралиш ўзининг юксак бирлиги нуқтаи назаридан ечим топади, диалектик бирлигига эришади.

Синергетика ҳозирги замон парадигмаси сифатида илмий тафаккурнинг янгиланиш жараёнини тасдиқламоқда. Чунки, у илгариги фикрлаш тарзидан эркин, «ночизиқли» фикрлашга ўтишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Синергетика постноклассик асосга эга бўлган ночизиқли тафаккур сифатида классик ва ноклассик билимни бутунлай инкор этмайди, балки ўзи унинг қисми (локал) сифатида сақлаб қолади ҳамда улар негизида эришилган муайян натижаларга таяниб, уларни саралаш ва қайта кўриб чиқиш асосида баъзи ғоялардан воз кечиш эвазига илгариги тараққиётнинг кейинги босқичи сифатида шаклланади. Ночизиқли тафаккур тарзи ўзининг интенциясига (интилишларига) кўра тармоқлараро интенцияни ифодалайди. Шунинг учун у, албатта, ўзаро боғланишни (коммуникативликни), келишувни (конвенционалликни) ҳам тақозо этади ва диалоглар баҳс-мунозаралар учун ҳамиша очиқ ҳисобланади. Фанда ночизиқли тафаккурнинг шаклланиш ва ривожланиши илмий тафаккурдаги хилма-хил бўлинишларга аниқлик киритди.

Фанлараро ёндашувнинг фалсафа, хусусан, уни ўқитиш жараёни билан боғлиқлигини таҳлил этишдан аввал унинг таълим жараёнида қўлланилиши тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Фанлараро ёндашувнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши Польшанинг Варшава университетиде амалга оширилган. Гуманитар фанлар соҳасидаги фанлараро ёндашув ғояси ушбу университетда 1993/1994 ўқув йилида жорий этилган ва бугунга келиб йигирма йилдан кўп тарихга эга. Бу вақт ичида ушбу олий таълим модели тўғрилигини тасдиқлади ва қисқа муддат бўлса ҳам, фанлараро ёндашувни таълим тизимида ривожлантириш масаласи ҳам атрофлича таҳлил этилиб, маълум даражада тажрибалар тўпланди<sup>5</sup>.

О.Файзуллаевнинг такидлашича, турли фанлар ўзаро туташган жойда туғиладиган методологик муаммоларни тадқиқ этишга турли соҳаларни

---

<sup>5</sup>С.А. Иваницкий История международного опыта междисциплинарного обучения.–Москва. migo.sfedu.ru/files/Documents/Publicacii/ivanickii.doc. 2007 – С. 5

пухта эгаллаган мутахасисларни жалб этиш лозим<sup>6</sup>. Фалсафада фанлараро методология фалсафа ва фанларнинг ўзаро боғлиқлиги, узвийлиги масаласи бўлиб, объектни ўрганишда уларнинг ҳамкорлигига эътибор қаратишни талаб этади. Шу асосида турли методлар қўлланилиши мумкин.

Фанлараро ёндашув талабалар онгида анъанавий таълимда мавжуд бўлмаган ноёб креатив, интегратив фалсафий дунёқараш шаклланишига ёрдам беради. Талабадан мураккаб вазиятда ҳаракат қилиш ва қарор қабул қилишни, қабул қилинган қарорлар масъулиятли ва узоқ муддатли режалаштириш мезонларига мувофиқлигини креатив тафаккур асосида шакклантириш лозим. Фанлараро таълим асосида ҳар бир ўқув мавзусида янги билимларни, дунёнинг замонавий илмий манзарасини ва фанларнинг интегратив хусусиятларини ўрганиш ўқувчиларни билимларини янада мустаҳкамлайди.

Фалсафани ўқитиш жараёнида объектларнинг ўзаро алоқадорликларини ёритишда фанлараро, тизимли ёндашиш ўқувчиларнинг билим даражаларини юксалтиради. Бунинг натижасида уларнинг фалсафий тафаккури кенгайиб, ривожланиб боради.

Таълим – бу ўргатувчи ва ўрганувчи ўртасидаги диалог бўлиб, қайтма алоқага асосланади. Ўрганувчида олинган билимларга таянган ҳолда онгида янги билимлар шаклланади, билиш имкониятлари ва самарали ижодий фаолияти такомиллашади.

Хуллас, демократик, фуқаролик жамияти барпо этаётган Ўзбекистондаги ўзгаришларни янги илмий концепцияларга суянган ҳолда таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода, биз фалсафий билимларнинг комплекс тизими, яъни фалсафани ўқитишда фанлараро ёндашувдан фойдаланиш нафақат дунёни яхлит тушунишни ривожлантиришда, балки миллий ўзликни янада чуқурроқ ўрганишда ҳам ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблаймиз. Чунки бугунги кунда фалсафий билимларнинг фан билан уйғун жиҳатларини ўз онгида акс эттира оладиган ёшларга эҳтиёж катта.

## ХУЛОСА

«Илмий билишда фанлараро ёндашувларнинг методологик муаммолари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Фанлараро ёндашув илмий билишнинг интегратив томонларини ривожланишига асос яратиши мумкинлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

2. Фанлараро ёндашув табиий-илмий (биохимия, биофизика, биогео-кимё, космокимё, астрофизика), ижтимоий (психоллингвистика, социоллингвистика) ва табиий-ижтимоий фанлар (биоэтика, социобиология) кесиш-масида вужудга келади.

---

<sup>6</sup> Б.Тўраев . Омонулла Файзуллаев – қомусий олим // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий-назарий ўқишлари материаллари. – Тошкент: ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 18.

3. Фанлараро ёндашувлар фандаги назарий тизимларнинг теранлик даражасини ошириб, назария ва эмпирик маълумотларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиради. Назария мазмунининг янада теранлашуви фаннинг интегратив даражаси ошишига сабаб бўлади, тушунчалар ҳақидаги тасаввурнинг интегратив жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Фанлараро ёндашувлар илм-фанни, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кенг қўлланиши имкониятларини яратади.

4. Илмий билишда фанлараро ёндашувнинг янгиланиб бориши илм-фан тараққиёти имкониятлари кенгайишида методологик асос бўлиб хизмат қилади.

5. Фанлараро ёндашувларнинг муҳим хусусиятларидан бири – билимнинг тушунтирувчи ва башорат қилувчи кучини оширишидир. Фанлараро ёндашувда назарий тушунчалар ва фаразлар интегратив билим сифатларига қараб аниқланади. Фанлараро ёндашувга кўра, илмий назариянинг тушунчалари, принциплари, қонунлари, мулоҳазалари бошқа назария мазмунидан умумийроқ бўлса, назарияга афзаллик бериш лозим бўлади.

6. Фанлараро ёндашувлар янги илмий йўналишлар ва янги фанларни вужудга келтирибгина қолмасдан, балки илмий билим анъанавий соҳаларининг таркиби ва тузилишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Чунончи, компьютерлардан фойдаланиш фанда математика соҳасини янада кенгайтирди, бошқа фанларнинг математиклашувига олиб келди ва ҳатто биоматематика сингари янги фанларни ҳамда чуқур вакуумни, космосни, мега ва микродунёнинг мураккаб ҳодиса ва жараёнларини тадқиқ қилишга йўналтирилган фанларни вужудга келтирди.

7. Синергетик фанлараро ёндашув фанлар туташган жойда пайдо бўлган моҳиятни эмас, балки фанларнинг бирлаштирувчи ички хусусиятларини асослаб беради.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**БОТИРОВА САЙЁРА ЯКУБЖОНОВНА**

**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫХ  
ПОДХОДОВ В НАУЧНОМ ПОЗНАНИИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология и логика**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Fall1.**

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa@nuu.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Туленова Карима Жандаровна**  
доктор философских наук, профессор

**Қодиров Анвар Қаҳҳарович**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный восточный институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Ученого совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 1000174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4, в здании факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-й этаж, кабинет 511). Тел.:(+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № \_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 2 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (+99871) 236-46-55, факс: (+99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Н. Х. Хакимов**

Председатель Ученого совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

**Н. Б. Абдуллаева**

Ученый секретарь Ученого совета по присуждению ученых степеней, д. ф. н.

**М. Т. Жакбаров**

Председатель научного семинара при Ученом совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сложная ситуация, сложившаяся в мире в настоящее время, вызывает необходимость исследования событий и явлений, имеющих глобальную значимость. Поиск знаний, которые смогли бы правильно объяснить данные процессы и явления и расширить возможности для жизни, а также способных прогнозировать пути дальнейшего развития, превратился в объект исследования современных ученых. Наряду с этими задачами сегодня в науке возникает проблема новых научных подходов. Однако, как показывают исследования, это проблема неразрешима в рамках отдельно взятой науки. Поэтому в сфере научного познания возникла потребность в междисциплинарном подходе, который требует нового видения взаимоотношений природы, общества и человека. Междисциплинарный подход уже начал служить решению ряда проблем, стоящих перед человечеством, что открывает широкие возможности для его применения в научном познании.

Исследование и анализ таких глобальных проблем мирового сообщества, как экология, экстремизм, наркобизнес, осуществляется посредством междисциплинарного подхода. Достижения современной науки требуют от ученых еще большей ответственности. В то же время актуальность проблемы заключается в том, что в период перехода науки на новый этап развития объектами ее исследований становятся сложные системы, возникает необходимость исследования действительности в неразрывной взаимосвязи, для этого возможности конкретной специализированной отрасли науки ограничены. Поэтому междисциплинарный подход, основываясь на системных, синергетических принципах, даёт возможность постижения общих закономерностей в различных отраслях науки. Междисциплинарный подход, сформированный на основе системного подхода, обеспечивает синтез различных отраслей знания, что дает возможность изучения новых граней и свойств объекта. Для исследования различных аспектов социальной жизни человека и самого человека в качестве социального существа этот подход опирается на синтезе нескольких наук.

Исследование осуществляемой в республике широкомасштабной модернизации, инновационных процессов осуществляется на основе междисциплинарного подхода. Институты при Академии наук Республики Узбекистан демонстрируют примеры достижения высоких результатов на основе междисциплинарного подхода. В пункте 4.4 приоритетных направлений в «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», разработанной по инициативе Президента Республики Узбекистан, указаны следующие задачи: «Стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику,

создание при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков»<sup>1</sup>. Возникновение новых инновационных направлений в науке, исследование, глубокое изучение окружающего нас мира опирается на междисциплинарный подход. В законе о государственной молодежной политике Республики Узбекистан определены «меры по повышению качества образования и воспитания молодежи, внедрению современных образовательных форм и методов в учебный процесс»<sup>2</sup>. Все это предполагает актуальность философско-методологического исследования междисциплинарного подхода. Проведенный в данном диссертационном исследовании анализ методологических проблем влияния современных научных подходов и методов, системного, синергетического, междисциплинарного подходов на развитие науки и их возможностей показывает, что в настоящее время без таких изысканий невозможно осуществление научных исследований.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан №ЗРУ–406 «О государственной молодежной политике» от 14 сентября 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к теме диссертации.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики 1 «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, художественно-эстетического воспитания, искусства, материального и нематериального наследия, истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества».

**Степень изученности проблемы.** В научной литературе междисциплинарному подходу даны различные определения. Это понятие связано с развитием науки. Однако существует мнение о том, что междисциплинарный подход сформировался в далеком прошлом. Об этом свидетельствует древнегреческая философия. Например, теория Птолемея создана на основе закономерностей математики и геометрии. Идеи о единстве, целостности естественно-научных знаний (в виде простых

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан». – Тошкент: Адолат, 2017.- С. 26

<sup>2</sup> Закон Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике». – Тошкент: Адолат, 2016. – С. 8-9.

натурфилософских понятий и представлений) отражены в трудах таких античных философов, как Демокрит, Платон, Пифагор, Аристотель и таких средневековых философов Востока, как Абу Наср Фараби, Абу Райхан Бируни, Ибн Сина и Аль-Хорезми.

Несмотря на то, что первые статьи, посвященные системному изучению междисциплинарного подхода, появились только во второй половине прошлого века, сам феномен междисциплинарности появился значительно раньше.

К настоящему времени в процессе научного познания сформировались конкретные методы исследования, относящиеся к междисциплинарному подходу, это синтетические и интегративные методы, функционирующие в основном на стыке различных отраслей науки. Комплекс данных методов широко используется для реализации научно-исследовательских программ различных наук. В этом плане взгляды Т. Куна, И. Лакатоса, П. Фейерабенда, Дж. Коллингвуда, Ст. Тулмина, Дж. Холтона, А.Л. Никифорова, В.Н. Поруса, А.И. Ракитина, В.С. Степина совпадают.

